



## 30 апрель – Ўзбекистон Республикаси референдуми куни



# ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК АРАФАСИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

“Адолат” СДП томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва тўғри тушунтиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ушбу тадбирларнинг навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

### 9 апрель – Соҳибқирон

#### Амир Темур таваллуд топган кун



Китоб(битик) барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишининг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

### Депутат сўровига жавоб

## ВОБКЕНТ МИНОРАСИ РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қодир Жўраев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Маданий мерос агентлиги директори Б.Абдикаримовга Бухоро вилоятининг Вобкент шаҳрида жойлашган Вобкент минорасини реставрация ва консервация қилишнинг истиқболли режаси юзасидан депутатлик сўрови билан мурожаат этди. Мурожаатда, жумладан, шундай дейилади:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 846-сонли қарори билан «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати» тасдиқланган бўлиб, ушбу рўйхатга Бухоро вилояти Вобкент шаҳрида жойлашган «Вобкент минораси» ёдгорлиги ҳам киритилган.

Бироқ, бузунги кунда Вобкент минорасининг айрим жойларида, хусусан, пойдевор қисмида жиддий шикастланиш, туз қопламаларининг ҳосил бўлиши ва деворнинг емирилиши ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.



### Муносабат

## Манзилли режалар ва мақсадлар кўнглилар ободлигига хизмат қилади



Нурлибай ҚАИПБЕРГЕНОВ, “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига бўлган навбатдаги ташрифи ҳудудда яшовчи кексаю ёшнинг қалбига бирдек илиқлик, кўёшдек меҳр нурларини олиб киргани айни ҳақиқат.

Бугун қайси маҳалла, қайси кўчага ёки қайси хонадонга борсангиз ҳам асосий мавзу Президент ташрифи яқунлари, худудга кўрсатилаётган эътибор, аҳолига берилган имтиёз, иқтисодий ёрдам ва қарамлик қарантилишига қаратилган манзилли мақсадлар буйича мароқли суҳбатга гувоҳ бўласиз.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз раҳнамолигида Қорақалпоғистонда сўнги 5-6 йилда деҳқончилик ва чорвачилиқдан ташқари, замонавий тадбиркорлик ва санъатни ривожлантиришга, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ёшлар учун кенг имкониятлар яратишга юксак эътибор қаратилмоқда.

Дастлаб Мўйноқдан бошланган эзгу ташаббуслар худуднинг барча туманларида давом этаётганлиги, одамларнинг бугундан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч билан қараб, бахтиёрлик, шукр-

налик туйғулари билан яшашига хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташрифи, кун давомидида ўтказилган самимий учрашувлар, суҳбатлар, Қорақалпоғистоннинг бугуни ва ёрқин истиқболни тараққий эттиришга қаратилган манзилли мақсадлар – буларнинг ҳаммаси, Қорақалпоғистонда яшовчи ҳар бир инсоннинг юрак тубига кириб борди.

Олдинлари умуман саноат корхонаси бўлмаган Кегейли туманида худудларaro ҳамкорлик натижасида, андижонлик тадбиркорлар билан биргаликда йилга 3 миллион дондан зиёд трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга “Ақтуба текстил” корхонаси ишга туширилди. Германия, Япония ва Туркиядан олиб келинган замонавий ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

### “Adolat”га жавоб берадилар

## Муаммо бартараф этилди

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сизнинг Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Бўстон” МФИда жорий йил январь ойи бошида тоза ичимлик суви келтириш учун маҳалла кўчалари қазилгани ва шу бўйича ишлар тўхтаб қолганлиги тўғрисида 2023 йил 28 февралдаги “АД”-4-сон мурожаатингизни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон қарорига асосан Олтиариқ тумани “Бўстон” МФИни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бузунги кунда объектида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ичимлик суви қуурлари ётқизирилиб, кўча бўйлаб автомобиль ва аҳоли ҳаракати қайта тикланган. Пудрат ташкилоти томонидан лойиҳа доирасида амалга оширилиши белгиланган қурилиш ишлари давом эттириляётганини маълум қиламиз.

Бу борада Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Бўстон” МФИ раиси ва буюртмачи ташкилотнинг ахборот хати мавжуд.

Вазир ўринбосари А.БОБОЕВ





# ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК АРАФАСИДАГИ МУЛОҚОТЛАР



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий Кенгашига таширф бурди.

Таширф давомида партиянинг етакчиси ҳудудий Кенгаш ходимлари ва уларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишиди, Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2022 йилдаги фаолияти ҳамда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширилган устувор вазифаларга эътибор қаратди.

Баҳром Абдуҳалимов ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонун лойиҳасини тайёрлашда «Адолат» социал-демократик партиясининг салмоқли иштирокини ҳамда 30 апрель куни ўтказиладиган умумхалқ референдуми барчамиз учун тарихий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Таширф якунида партия Сиёсий Кенгаши раиси амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар билан танишиб, ҳудудий Кенгаш саъй-ҳаракатларига ижобий баҳо берган ҳолда, барчани тарғибот-ташвиқот ишларида янада фаол бўлишга чақирди.

ган ёшнинг келажаги мустақамланаётганидан далolat эканини асосий мисоллар билан тушунтирди ва слайдлар орқали иштирокчилар эътиборига ҳавола этди.

ОМҚП депутати М.Қурбонбоев сўзида Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётгани замирида жамият ҳаётини янада демократлаштириш асосий мақсад қилиб олингани ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган янги Қомусимиз шаклланаётгани ва Конституцияга киритилган бир қатор янги моддалар тўғрисида гапирди.

ТТА Урганч филиали директори Рашид Рўзибоев партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган асосий масалалар ва партия томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ижобий муносабат билдирди. Янгиланаётган Конституция халқчил ва ҳаётийлиги билан кенг омма орасида қўллаб-қувватланаётганида партиянинг ўрни беқиёс эканини бир қатор мисоллар билан таъкидлаб ўтди ва олийгоҳ жамоаси ва талабалари билан биргаликда референдумда фаол иштирок этишни билдирди.

Шунингдек, Б.Абдуҳалимов Хоразм Маъмур академиясида ҳам бўлиб, мазкур масканда олиб борилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишиди. Академия қошида ташкил этилган янги ва турли адабиётлар билан бойитилган кутубхона, музей экспозициядаги ўзгаришлар, барча талабаларга жавоб берадиган замонавий бино, лабораториялар фаолияти билан танишгандан сўнг, академия жамоасини дилдан кутлади ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилади. Ўрганиш давомида академиянинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, олимларга қулай шарт-шароитлар яратиш, кутубхона ва музейни янги китоблар ва экспонатлар билан бойитиш ва бошқа масалалар юзасидан келишиб олинди.

Шундай сўнг академия олимлари билан «Янгиланаётган Конституция – тараққиёт гарови» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирни Маъмур академияси раиси Икром Абдуллаев кириш сўзи билан очиб берди.

Б.Абдуҳалимов ўз чиқишида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётда олимларнинг ўрни беқиёслигига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда олимлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шубҳасиз, партиянинг етакчилари ва фаоллари томонидан ўтказилаётган бу каби



янинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Фармон Аллаев, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда ҳудудий, маҳаллий кенгашлар ходимлари, партиянинг «Еш адолатчилар» қаноти раислари, Ёшлар парламенти аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилояти ва маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда университетнинг ўқитувчи ва талабалари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатида сўз олган «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини қўллаб-қувватларкан, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституциямизда биргина ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлини борасидаги нормалар сони икки бараварга ошмоқда. Хусусан, киритилаётган концептуал ўзгаришлар қаторида жамиятнинг яримдан кўпини ташкил қиладиган ёшларга муносиб ҳаёт шароити яратиш, барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар янада мустақамланмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланаётганлиги, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдирини ўқун муҳимдир.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент вилояти ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари сўзга чиқиб, Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар хусусида ўз фикр ва муносабатларини билдиришди.

«Конституциявий ислохотлар – инсон шаъни ва кадр-қиммати учун» деб номланган давра суҳбатини «Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраев олиб берди.

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов кириш сўзи билан мулоқотни бошлаб берди. У янги тахрирдagi Асосий қонун лойиҳаси халқимизнинг фаол иштирокида тайёрланганлигини, унда 220 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазаларда билдирилган фикрлар ўз ифодасини топганлигини қайд этди. Шунинг учун бу ҳужжатни умумхалқ ижодининг маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Бош Қомус лойиҳасида жамиятимизнинг барча табақалари манфаатлари тўла ҳисобга олинган. Унда ўз аксини топган қоидалар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати



**ХОРАЗМ.** Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиалида «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов, Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати Мақсуд Курбонбоев иштирокида «Конституцион ислохотлар – инсон қадри учун» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбирда партия фаоллари, депутатлар, БПТ, «Аёллар ва ёшлар» қаноти раислари, ёш адолатчилар, мазкур олийгоҳда таълим олаётган талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни «Адолат» СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Тоҳир Полвонов кириш сўзи билан очиб берди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов сўзида Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, илм-фан, таълим ривожига оид муҳим жиҳатлари, Асосий қонуннинг ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этишдаги муҳим омиллари, инсон қадри тамойилини янада мустақамлаш, айниқса, ёшлар масаласига доир киритилаётган моддалар ҳар бир униб-ўсиб келаёт-

лишга ундади, – дейди «Ёшлар парламенти» аъзоси Тўхтажон Қуръазова. – Янгиланаётган Конституциямиз матни билан яқиндан танишар эканмиз, унинг партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган қўллаб-қувватлар билан ҳамроҳ эканидан қалбимиз гурурга тўлди.

– Янгиланаётган Конституциямиз тўғрисидаги маълумотлардан сўнг зиммамизга катта масъулият юкланганини ҳис этдим, – дейди тадбир иштирокчиси, бўлажак шифокор Зайнаб Раҳимбоева. – Тўғри, давлатимиз томонидан ёшларга қаратилган эътибор эътирофга лойиқ. Янгиланаётган Конституцияда бу имкониятлар янада такомиллашиб, мустақамланаётгани ҳар бир ўғил-қиз бахтли келажақ билан таъминланишига кафолат, дегандир. Бунга жавобан биз, ёшлар юқори билим ва салоҳиятга эга бўлиб шаклланишимиз учун ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз, меҳнат қилишимиз, янги Ўзбекистонимизни барпо қилишида бор истеъдодимизни сафарбар этишимиз, референдумда фаол иштирок этишимиз лозим.

тадбирлар жорий йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**  
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** «Адолат» СДП Марказий аппарати ҳамда партиянинг Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги Чирчиқ давлат педагогика университетидаги йилнинг янги қилинган референдумга муносиб тайёргарлик кўриш, аҳоли ўртасида янада самарали тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, партиянинг жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида тадбир ўтказилди.

Тадбирда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов, парти-

янинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Фармон Аллаев, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда ҳудудий, маҳаллий кенгашлар ходимлари, партиянинг «Еш адолатчилар» қаноти раислари, Ёшлар парламенти аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилояти ва маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда университетнинг ўқитувчи ва талабалари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатида сўз олган «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини қўллаб-қувватларкан, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституциямизда биргина ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлини борасидаги нормалар сони икки бараварга ошмоқда. Хусусан, киритилаётган концептуал ўзгаришлар қаторида жамиятнинг яримдан кўпини ташкил қиладиган ёшларга муносиб ҳаёт шароити яратиш, барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар янада мустақамланмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланаётганлиги, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдирини ўқун муҳимдир.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент вилояти ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари сўзга чиқиб, Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар хусусида ўз фикр ва муносабатларини билдиришди.

**РАВШАН МИРЗАҚУЛОВ,**  
Тошкент вилояти кенгаши матбуот котиби

**НАМАНГАН** давлат университети катта мажлислар залида умумхалқ референдумига бағишлаб ташкил этилган тадбирда «Адолат» СДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларнинг депутатлари, «Аёллар» ва «Ёш адолатчилар» қанотларининг фаоллари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Наманган давлат университети табиий фанлар факультети деканининг ўринбосари Абдулбосит Собирхонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар парламенти аъзоси Нозима Акбарова, халқ депутатлари Поп туман кенгаши депутати Мафтунахон Маматова Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар жамият ҳаётини янада демократлаштириши, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлашини баён этдилар. Бу «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида олга сурилган гоя ва мақсадлар билан ҳамроҳлиги таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари барчани шу йил 30 апрелда ўтказиладиган умумхалқ референдумида фаол қатнашишга чақирди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

# МАНЗИЛЛИ РЕЖАЛАР ВА МАҚСАДЛАР Кўнгуллар ободлигига хизмат қилади

Асосийси, ушбу туманда яшовчи, ишсиз аёллар учун доимий иш ўрни яратилди. Корхона 500 та иш ўрнига эга бўлиб, йилга 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари таширфини ушбу корхона фаолияти билан танишувдан бошлади, корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, ишчи аёллар билан самимий суҳбатлашди.

Президентимиз томонидан шу куннинг ўзида видеоалоқа орқали 6 та янги корхона ишга туширилди. Булар Беруний туманидаги «Беруний бугдой кластер» ҳамда «Райхон аппарат», Қораўзақ туманидаги «Қорақалпоқ цемент» заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги «ККРаси кемикал», Нукус шаҳридаги «Азимут хотел», Туртқул туманидаги «Хозагро» корхоналари ҳисобланади. Бу корхоналарда жами 1 минг 100 та доимий иш ўрни яратилган, улар орқали ишлаб чиқаришга 300 миллион сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилди.

Албатта, янгидан ишга тушган ушбу корхоналар, аҳоли бандлиги, оила-лар фаровонлиги, иқтисодиётимиз тараққиётига асос бўлади.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси буйича ўтказилган йилги мажлисда, Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш учун 2023 йилда 1,5 триллион сўм ажратилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, 452 та маҳалладаги шароити оғир 21 мингта хонадон таъмирланиб, 709 та уйлар янгитдан қуриб берилиши учун бюджетдан 132 миллиард сўм, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 232 миллиард сўм ажратилаётганлиги, қорақалпоқ халқига бўлган оталарча эътибор ва ишонч намунасида.

Албатта, берилаётган маблағлар ҳажми катта, ушбу маблағлар замирида эса, одамларни ҳаётдан рози қи-

лишдек юксак инсонийликдан иборат мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон учун аҳамиятли бўлган, шу ерда яшовчи аҳолининг фаровонлигини янада оширишга қаратилган 3 та янги ташаббус, нафақат бугун, келажакда ҳам одамларнинг ўз ҳаётини розилигига хизмат қилиши аниқ.

Биринчи ташаббус: **Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади.** Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм ажратиш белгиланди.

Иккинчи ташаббус: **кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар буйича тегишли ҳужжатлар қилиб берилади.**

Учинчиси: **аҳоли талаби инобатга олинмиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади.** Бунга қўшимча равишда замонавий лойиҳа асосида

4 минг яқка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади.

Ҳақиқатан ҳам, уч янги ташаббус ва Қорақалпоғистонни «ишсизликдан холи ҳудуд»га айлантириш, озик-овқат маҳсулотлари мўл ва арзон бўлишини таъминлаш, ичимлик суви таъминоти, магистраль ва ички йўллари таъмирлаш, мактабгача таълим муассасаларини қуриш, мактаб ва тиббиёт масканларини таъмирлаш каби кўп сонли аниқ мақсадли режалар кун-кундан янгиланаётган Қорақалпоғистонда яшовчи кўп миллатли аҳолининг кўнгуллар ободлиги олиб киради, бугунги фаровон ҳаётга, эртанги нурли келажақга асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, бугун биз, қорақалпоғистонликлар давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор, яратилган имконият, берилаётган имтиёзлар, халқнинг буғунги ва ёш авлод келажақини ўқун қилнаётган эзгу ташаббуслар учун Президентимиздан миннатдоримиз.





# ЎЗБЕКИСТОН — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Фуқароларнинг энг муҳим орзу-интилишлари ва мақсадлари Асосий қонуни — Конституцияда тўлиқ ифода этилади. Мустақиллик йилларида Конституция асосида инсон қадрини улуғладиган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсадида кенг қамровли янгиланишлар ва ислохотлар амалга оширилди, бу борада бой тажриба тўпланди.

Ўзбекистон бугун ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини бундан буйин барча соҳаларда устувор аҳамият касб этишини қатъий қондага айлантириш, бир сўз билан айтганда, “Инсон қадрини учун” ғоясини ҳамда бугунги ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашувни янги тахрирдаги Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдиришни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ички ва ташқи сиёсий воқеалар нуктаи назардан конституциявий ислохотлар табиий ривожланиш натижаси бўлиб, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ўта аҳамиятлидир, адолатли жамият қуриш йўлида қўйлаётган улкан қадамдир.

Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳуқуқий давлат тамойилини амалга оширишга қаратилган конституциявий кафолатлар белгиланмоқда.

Ҳуқуқий давлат — инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги машаққатли меҳнати эвазига шаклланиган тараққиёт ғоясидир. Бундай давлат демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир.

Бугун Янги Ўзбекистон инсонпарвар, адолатли, эркин ва халқлиқ давлат қуриш йўлида оқимламоқда. Шу мақсадда, Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида “Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат” деган тамойил мустаҳкамланмоқда.

Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинган экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиқча ошмоқда.

Конституцияда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат эканлигини алоҳида белгилаш — давлат ўз фаолиятини, жамият ва фуқароларнинг яшаш тарзини фақат Конституция ва қонунлар асосида амалга оширишини таъминлайди. Пировардида, давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун устуворлиги асосида халқ манфаатлари учун ишлади, унга хизмат қилади.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг бошқа нормаларида ҳам ҳуқуқий давлат тамойилини амалга оширишга қаратилган механизмлар ва кафолатлар мустаҳкамланмоқда. Биринчидан, давлат фаолияти қонун устуворлиги ва қонунийлик асосида амалга оширилишини таъминлаш бўйича Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланмоқда. Натижада давлат органлари, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилган ҳолда қарорлар қабул қилади. Иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқ ва Конституция нормаларига мувофиқ кафолатланмоқда, улар қонунчилик ва давлат органлари фаолиятининг мазмунини белгилаш мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, инсонга нисбатан давлатнинг ҳуқуқий таъсир чоралари қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши шартлиги ва инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабат-

ларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши мустаҳкамланмоқда.

Мазкур янгилик барчанинг қонун олдида тенглигини ва қонундан ҳеч ким устун эмаслигини таъминлаш, инсонлар онига қонунларга ҳурмат ва иттифоқ этиб яшаш лозимлигини сингдириш, умуман олганда, давлат органларининг халққа хизмат қилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади. Шунингдек, бу ҳолат Ўзбекистоннинг “Ҳуқуқ устуворлиги индекси”, “Жаҳон мамлакатлари демократия индекси” каби халқаро нуфузли рейтингларда ўрнини яхшилашига имкон беради. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланмоқда. Ўлим жазосини тақиқлаш конституциявий даражада белгиланиши инсонни ҳаётдан хатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди.

Бундан ташқари, шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги белгиланяпти. Яъни, шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймайди қаратилган. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтини қўллаш қўламини янада кенгайтирди.

“Хабеас корпус” жинойи таъқибга учраган фуқаронини адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни ҳисоблаиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибидан процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллашни жорий қилишни ўз баъбатиди суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва негаразлигини таъминлаш, жиноят процессида тортишув принциплари кучайтиришни назарда тутмоқда.

Қамоқ эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётини келтирадиган бўлса, 2022 йилда тергов органларидан судларга келиб тушган жами 24 мингдан зиёд илтимосномадан 23,5 мингтаси қаноатлантирилган, 480 дан ортиғи эса рад этилган, яъни 480 нафардан ошган шахсга нисбатан асоссиз равишда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилишининг олди олинган.

2022 йилнинг 20 июнь куни Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учра-

шувдаги нутқиди “Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарур. ... Бу ҳақдаги муҳим нормани ҳам Асосий қонунимизда акс эттиришимиз зарур. Бундай қоидалар инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади”, деб таъкидлади. Шунингдек, илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши қўйилган бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоида”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон хабарлари ҳамда бошқа хабарлари сир сақлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланмоқда. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгилаб қўйилмоқда.

Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлиги белгиланяпти. Ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ягона шарт — бу фуқаролар томонидан ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллар ёки чораларнинг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бўлишидир. Шу мақсадда, Янги тахрирдаги Конституциямизда “Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоққа сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас”, деган инсонпарвар қоидалар мустаҳкамланмоқда.

Янги киритилаётган норманинг аҳамияти шундаки, эски тузумдан мерос бўлиб қолган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларни жазоловчи ёндашувдан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимояловчи, поймол қилинган ҳуқуқларни тикловчи, рағбатлантирувчи ёндашувга ўзгарилади. Хусусан, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга, суд-тергов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, шахсни асоссиз ҳибсга олиниши ҳолатларини бартараф этишга, шу орқали инсоннинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган хатоларга йўл қўйилмаслигига ҳамда халқимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини оширишга хизмат қилади.

## ФУҚАРОЛАР БЕПУЛ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ОЛАДИ

Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида “Биз янги Ўзбекистоннинг бахтли ёшларимиз!” шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавлуда Адхамжонова, маҳаллий кенгаш депутатлари, фаол ёшлар ва етти минг нафардан ортиқ талабалар иштирокидаги маъруза тадбир янгиланаётган Конституция ва унда ёшларга бўлган эътибор мавзусига бағишланди.

Тадбир давомида Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, таълим ривожига доир муҳим жиҳатлар ҳусусида сўз борди. Бош қонунимиз янги жамият барпо этиш йўлидаги ютуқ ва марраларимизнинг ҳуқуқий пойдевори — келажакимизнинг ишончли кафолати бўлиши, ёшлар масаласида киритилаётган моддалар ҳар бир йилнинг келажак эълонлиги таъкидланди.

— 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда андижонлик ёшлар фаол иштирок этишини билдиришмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавлуда Адхамжонова. — Бунга етарли асос бор. Давлатимиз томонидан келажакимиз эгаларига бўлган эътибор ва яратилган имкониятлардан уларнинг ҳар бири фойдаланмоқда. Янгиланаётган Конституциямиз бу борада янада мустаҳкам асосга айланади.

— Ўзбекистон — ёшлар мамлакатиди, — деди халқ депутатлари Андижон туман кенгаши депутати Сардорбек Қосимов. — Янгиланаётган Қомусимизнинг 79-моддасида “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият



ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ва ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлаштиришга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратати” дейилишининг замирида ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш турганлигига амин бўламиз.

Шунингдек, вилоят Қон қўйиш марказида ҳам депутат фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда ва давлат ҳисобидан қўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмакларини таъкидлади. Ҳозирда аҳоли учун тиббий ёрдам-

нинг кафолатланган бепул ҳажми доирасига шошилинч тиббий ёрдам, бир қатор юқумли касалликлар бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва хавфли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиш қиради.

Давлат ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматни ривожлантириш мақсадида 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғида аҳолини 66 турдаги, 2022 йилда 120 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўланма электрон навбат асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан, маблаглар шифохонига эмас, балки аниқ беморга ажратилмоқда.

— Биргина 2022 йилнинг ўзида тиббиёт соҳасига бюджетдан 29

триллион сўм йўналтирилди, бу маблаг 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўпдир, — дейди депутат Мавлуда Адхамжонова. — Утган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун маблаглар 12 баробар кўпайтирилди. Буларнинг барчаси юртимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг соғлигини сақлашга қаратилган амалий чоралардир.

Янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилганлиги эътиборга моликдир.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати



## ЎҚИТУВЧИНИНГ ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Янгиланаётган Конституциямизнинг 52-моддаси диққатимни тортди. Мазкур моддага кўра, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қимматини ҳимоя қилади, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.



Рустам ҲАМРАЕВ,  
Сурхондарё вилоят кенгаши раиси

Сифатли таълим, албатта, аввало, билимни, замонавий таълим стандартларини пухта ўзлаштирган ўқитувчиларга боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ўқитувчи ва мураббийларни тайёрлаш, уларнинг энг муносибларини саралаб, таълим муассасаларига жалб этиш таълим сифатини таъминлашга интилаётган жамият учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Шу боис юртимизда билимни ва тажрибали ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва улар сафини кенгайтиришга давлат томонидан устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўз келажакини фарзандлари қамоли билан боғлашга одаланган халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тақлифлари инобатга олиниб, янгиланаётган Конституцияда ўқитувчиларнинг обрўси, қадр-қимматини ошириш ва ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида модда киритилмоқда.

52-моддага асосан давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги беш йилда таълим даргоҳларида ортиқча қозғоноқликка чек қўйилди, ўқитувчиларнинг олий маошлари ошириб бориляпти. Умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражада сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ой қўшимча 20 фоздан 50 фозгача устама тўланмоқда. Олис ҳудудларга бориб ишлаган юқори малакали педагоглар учун алоҳида устамалар белгилаш жорий этилди.

Сифатли таълим тараққиёт учун энг катта инвестиция дег эътироф этилаётган экан, бу ислохотларнинг асосий иштирокчиси бўлган ўқитувчиларнинг обрўси, қолаверса, уларнинг маошини машаққатли ва шарафли меҳнатига муносиб равишда ошириб бориш, қадр-қимматини ҳимоя қилиш жуда муҳим. Зеро, замонавий таълимни фақатгина замонавий мақоми банд, билимли ўқитувчилар бера олади.

## ИМКОНИЯТ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА



Руиддин РАУПОВ,  
Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Янгиланаётган Конституция жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида энг муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Конституциявий қонун лойиҳасига киритилган янги нормалар барча соҳаларни тараққиёт этиришга, шу жумладан, давлат ҳокимиятининг янада самарали ташкил қилинишига ёрдам беради. Шунингдек, Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жишлантириб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари аниқ ва тўлақонли таъминланишига хизмат қилади. Янгиланаётган Конституция халқпарвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, илҳам ва маъсулиятни ҳуқуқат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилган.

Янгиланаётган Конституцияда қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига хал қилиниши кераклиги қайд этилмоқда. Мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилувчи қоида бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортиладиган ҳимоя қилади.

Қолаверса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаш шарт эмаслиги мустаҳкамланмоқда, ҳеч ким ўзинга ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланмоқда. Бу қондаларнинг Конституцияда белгиланиши жинсий таъбиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки унинг яқин қариндошларига руҳий босим ва турли таъдиладар ўтказиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги ҳам тарихда илк бор конституциявий мустаҳкамланмоқда.

Янги тахрирдаги Конституция бевосита халқ томонидан қабул қилиниб, тўғридан-тўғри амалга киритилмаган биринчи ҳужжат бўлади. Бунинг энг аҳамиятли томони, барчанинг овози бир хил мақомада эга эканлигида. Яъни, ёшун қарининг танлови ва фикри аҳамиятли ва ҳал қилувчи бўлади. Конституция меники, сеники, бизники, ҳаммамизники! 30 апрель куни барчангизни ўз келажакимиз ва ҳақ-ҳуқуқларимиз кафолати учун овоз беришга чақираман!



# РЕФЕРЕНДУМ — халқ иродасининг ифодаси

Демократиянинг асосий шаклларида бири — давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларнинг умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиши референдум ҳисобланади.



Умид ГИЙСОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидан иборатдир.

Референдум ҳам сайловлар каби халқ иродасининг бевосита ифодаси ҳисобланади. Шунинг учун референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга.

2022 йилнинг 16 июнь куни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, унда референдум ўтказиш шартлигини таъминлаш ва халқнинг ушбу жараёнда фаоллигини ошириш мақсадида, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Жумладан, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялардан, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқроқ ташкилотлардан кузатувчилар билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларига ҳам қатнашиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, 9-моддага киритилган ўзгартиришлар кузатувчиларга яширин овоз бериш каби наҳалари ёки наҳаларининг жойлаштирилишини ҳамда фуқароларнинг рўйхатга олиншини кузатиш имконини беради. Шу жумладан, мазкур модда, кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камида уч кун олдин хабардор қилиши кераклигини ифода этувчи қўшимча қисм билан тўлдирилди.

Ушбу ўзгартиришлар референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш оқиб ва ошқора амалга ошириш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши назорат қилинишига йўл қўйилмаслигига хизмат қилади.

Қонуннинг 18-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов ко-

миссияси овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустақно. Аввалги таҳрирда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиши ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиши назарда тутилган эди.

Эндиликда, фуқаролар, шунингдек, кузатувчилар референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан ушбу қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилади. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларига аъзолик масаласида киритилган ўзгартирилган кўра, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди. Шунингдек, 24-модда референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриши ҳамда уни ўтказишга доир

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг тақомиллашуви халқ фаровонлиги, мамлакатимизни демократлаштириш соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилатганининг амалдаги яна бир ифодасидир. Унда белгиланган хар бир нормани янада либераллаштириш ва демократлаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини халқ этишига хизмат қилади. Қолаверса, бўлажак референдум жараёнининг қонуний ва шартлиги ўтишини таъминлайди.



Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларига аъзолик масаласида киритилган ўзгартирилган кўра, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

ҳаражатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатлари ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўлинишини кўзда тутган қисм билан тўлдирилди.

Шу жумладан, референдум қарори мажбурийлиги масаласидаги 41-модда алоҳида қисм билан тўлдирилиб, унда агар референдумда қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш талаб этилса, давлат ҳокимияти органи референдумда қабул қилинган қарор кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу масала бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини ва уларни тайёрлаш муддатини ўз ваколатлари доирасида белгилаш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, қонун “Референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби” номли 251-модда, “Чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига киритиш” номли 261-модда ва “Фуқаронинг чет давлатда турган жойида овоз бериши” номли 352-модда билан тўлдирилди.

## "Kelajak uchun ovoz ber!"

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI

# 2023

Хар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини химоя қилиши ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқларни суд орқали химоя қилишнинг муҳим воситаси — “Хабеас корпус акти” халқроқ даражада умумэтироф этилган институтдир.

## ДАХЛСИЗЛИКНИ ЧЕКЛАШ ФАҚАТ СУД РУХСАТИ БИЛАН БЕЛГИЛНАДИ



Сурайё РАҲМОНОВА, юридик фанлар доктори, профессор, Конституциявий комиссия эксперти

Ҳозирда Ўзбекистонда “Хабеас корпус акти” тартибига кўра, шахсни конституциявий ҳуқуқларини чеклашга оид қатор тергов ва процессуал ҳаракатлар (қамок, уй қамоғи, шахсни лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, паспортнинг (ҳаражатланиш ҳужжатини) амал қилишини тўхтатиб туриш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва бошқалар) судьянинг санкцияси асосида қўлланилади.

Бундай ҳаракатлар устидан суд назоратининг ўрнатилганлиги жиноят процессида суднинг тергов органларига нисбатан мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразлиги моҳияти билан изоҳланади ва жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришни назарда тутди.

Ҳозирда “Хабеас корпус акти” институти доирасини кенгайтириш жараёнининг мантиқий давоми сифатида эндиликда хусусий мулк дахлсизлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини чеклашга оид тергов ҳаракатларининг барчаси (телефон сўзлашувларни эшитиш туриш, тинтув, мол-мулкни хатлаш) фақат суднинг рухсати билан ўтказилиши тартиби конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда. Конституциявий нормага биноан мазкур ҳуқуқларнинг чекланишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда, суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Янгилаётган Конституцияга киритилаётган мазкур қоида билан фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги ва хусусий мулк дахлсизлиги ҳуқуқлари янада мустаҳкамланмоқда.

Эндиликда терговчи, суриштирувчи ва прокурор томонидан тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларни эшитиш ва мулкни хатлаш зарурати судга асослантириши керак бўлади.

Шахсни конституциявий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашга оид бу ҳаракатлар суд рухсати билан амалга оширилиши натижасида тергов даврида фуқароларнинг мулк дахлсизлиги, турар жой дахлсизлиги ва шахсий ҳаётига оид маълумотлари дахлсизлиги асосиз бузилишини олди олинади. Zero, суднинг жиноят иши юзасидан ҳеч бир идоравий ёки бошқа манфаати йўқдир, у бетарафдир.

Дахлсизлик ҳуқуқларига оид мазкур кафолатлар қатор халқроқ умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида “ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашши, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёшималаридаги сирларга ёки унинг ному ва шаънига ўзбошимчалик билан таъвоуз қилиниши мумкин эмас”лиги белгиланган.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқроқ пактининг 17-моддасида “ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашшига, ўзининг уй-жойи ёки ёшималари сирини дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда таъвоуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний таъвоуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмаслиги ва ҳар бир инсон худди шундай аралашуве ёки таъвоуздан қонун орқали химоя этилиши ҳуқуқига эга”лиги эътироф этилган.

Мазкур кафолатлар қатор давлатлар конституцияларида ҳам (Аргентина, АҚШ, Баҳрайн, Бельгия, Чехия, Эстония, Германия, Греция, Италия, Украина, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозғистон, Молдова) мустаҳкамланган.

Мисол учун, АҚШ Конституциясининг 6-қўшимчасида ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бош қонунимизда Хабеас корпус институтининг мантиқий изчилликда кенгайтирилиши орқали шахсий ҳаёт, хусусий мулк ва уй-жой дахлсизлиги химояланиши ҳамда суднинг қарорисиз мазкур ҳуқуқлардан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигининг белгиланиши фуқароларимизнинг дахлсизлик кафолатлари қатъийлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, мазкур конституциявий кафолатлар суд-тергов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, улар томонидан фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига оид ҳуқуқларининг ўзбошимчалик билан бузилишига йўл қўймайлиги, шахсининг яшаш жойига асосиз кириш, уй-жой дахлсизлигини бузиш, фуқароларнинг мулкидан асосиз маҳрум этилиши ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.

Энг муҳими, мазкур конституциявий янгилашлар орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида шахс ҳуқуқларига оид тергов хатоларига йўл қўйилмаслигига ҳамда фуқароларимизнинг судларга ишончини оширишга эришилади.

## Оила ривожини учун зарур шароитларни яратиш — устувор вазифа

Хар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини химоя қилишнинг муҳим воситаси — “Хабеас корпус акти” халқроқ даражада умумэтироф этилган институтдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янгилаётган таҳририда оила институтига катта эътибор берилмоқда. Янги Конституциянинг XIV боби “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланиб, оила билан боғлиқ асосий қоидалар акс эттирилмоқда. Хусусан, янги Конституциянинг 76-моддаси биринчи қисмида “Оила жамиятнинг асосий бўлини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида” эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

Оилани муҳофаза қилиш давлат учун муҳим вазифа саналади. Сабаби, кучли ва барқарор жамиятни барпо этишда оила институти муҳим пойдевор вазифасини бажаради. Оилалар болаларнинг ўсиши ва ривожланиши учун хавфсиз, ишончли муҳитни таъминлаш билан бирга жиноят ҳамда ижтимоий муаммоларни камайтиришга ёрдам берадиган умумийлик ва жамиятга дахлдорлик туйғусини тарбиялашда катта ўрин тутди. Бундан ташқари, оила ўз аъзолари учун барқарор даромад ва зарур эҳтиёжларни таъминлаш орқали иқтисодий барқарорликка ҳам хисса қўшади. Шунингдек, оила давлатнинг ўзига хослигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган маданий қадриятлар ва аъналарни сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

76-модданинг иккинчи қисмида “Никоҳ Ўзбекистон халқининг аънавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади” деган банд қўшилмоқда. Бундан никоҳ эр ва хотиннинг ўзаро розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилишини таъминлаш, оила қуришда Ўзбекистон халқининг оилапарварлик, болажонлик каби аънавий қадриятларига урғу бериш қўлланмоқда. Ҳеч ким турмуш қурувчиларни уларнинг розилигисиз никоҳга мажбурлашга ҳақли эмас ва никоҳланувчилар оилавий ҳаётда бир хил ҳуқуқларга эга деган адолатли гоҳнинг Конституцияда қатъий белгиланиши турмуш қурувчиларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Конституциянинг XIV боб, 76-моддаси учинчи қисмида “Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши” белгиланмоқда. Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилиб, кундан-кунга ёш оилалар сони ортиб бормоқда. Бундай оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг катта ҳаётда ўз йўлини топишига кўмак ва йўналиш бериш давлатнинг устувор вазифаларидан биридир.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос муаммолари мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилишга кўп ҳолларда жамиятнинг, давлатнинг бевосита ёрдами талаб этилади. Уй-жой, ишсизлик муаммоси мавжуд ижтимоий химояга муҳтож оилаларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш ижтимоий давлат қуриш йўлидаги муҳим талаблардан бири бўлиб, сунгги пайтларда мамлакатимизда бу борада қўллаб-қувватлаш ишлар кўлинмоқда. Ёш ва кам таъминланган оилалар давлат дастурлари доирасида физик паст бўлган узок муддатли кредитлар асосида арзон уйлар билан таъминланмоқда. Айрим муҳтож оилаларга уй-жой учун дастлабки бадал ҳам давлат томонидан тўлаб берилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида завод ва фабрикалар қурилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Келгусида ҳам аҳолини уй ва иш билан таъминлаш даражасини янада ошириш мақсадида қўллаб-қувватлаш ва сифатли тураржойларни қуриш, янги корхоналарни ишга тушириш режа қилинган. Конституцияда оилалар ривожини учун давлат кафолатининг белгиланиши бу каби ишларнинг келажақда мунтазам амалга оширилиши,



Авазбек ШЕРМАТОВ, Республика Маънавий ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими

янги босқичга чиқишида муҳим пойдевор вазифасини бажариши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи мажбуриятларнинг Бош қомусимизда кафолатланиши жамиятда мустаҳкам оилаларни шакллантиришга хизмат қилади.

77-модда.

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.



# Улуғларини

## Улуғлаган юрт



Оқибатли халқимизнинг тарихда муносиб ном қолдирган фидойи фарзандларини унутмасликдек ажойиб қадрияти бор. Ўзбек жамоатчилиги шу кунларда атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовни бот-бот эслаб, менинг ҳам хотираларимни жонлантириб юборди. Марказқўмда бирга ишлаган даврларимизда Шароф Рашидович менга ҳам оталик, ҳам устозлик қилиб, кўп муаммоларни тўғри англаб етишга ўргатган эдилар.

**Оқил САЛИМОВ,**  
Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш  
"Улуғбек" жамғармаси раиси, академик

# ВОБКЕНТ МИНОРАСИ РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИНАДИ


Мутахассисларнинг фикрича, ушбу салбий тенденция давом этадиган бўлса, келгусида миноранинг мавжудлиги хавф остида қолиши мумкин. Минорада қузатилаётган хавфли ҳодисаларнинг олдини олиш учун унинг пойдеворини очиш, ер остида бўлаётган жараёнларни ўраш ва шу асосда минорани мустаҳкамлиги ва умрбоқчилигини таъминлашнинг илмий асосланган чораларини белгилаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги Илмий-эксперт Кенгаши томонидан 2021 йил 25 август кунини ўтказилган мажлисда Вобкент минорасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш бўйича пойёҳа тақлифи қўриб чиқилган ва тегишли қарор қабул қилинган бўлса-да, бироқ бугунги кунга қадар таъмирлаш ишлари олиб борилмаган.

Шу муносабат билан, сиздан Вобкент минорасининг техник ҳолатини чуқур ўрганиш асосида уни реставрация ва консервация қилишнинг алоҳида режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласига жиддий эътибор қаратишингизни сўрайман.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги депутат сўровига расман жавоб қилганди. Қуйида ушбу жавобнинг матни келтирилмоқда:

"Бухоро вилояти Вобкент шаҳрида жойлашган Вобкент минораси маданий мероси объектини реставрация ва консервация қилишнинг истиқболли режаси тўғрисидаги сўровингиз Маданий мерос агентлигида кўриб чиқилди.



Маданий мерос агентлигининг 2023 йил 11 январдаги 3-Р-сонли буйруғига асосан, 2023 йил асрашга доир ишлар амалга ошириладиган маданий мерос объектининг манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан Вобкент минорасида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганиш якунига кўра, Вобкент минораси 2023 йилда асрашга доир ишлар амалга оши-

риладиган маданий мерос объектининг манзилли рўйхатига киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур объектда 2023 йилда реставрация ишлари олиб борилишини маълум қиламиз.

**Баҳодир АБДУКАРИМОВ,**  
Маданий мерос агентлиги директори"

### Эхтиром

### Муносабат

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан суд тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг-роқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Мазкур қарордан кўзланган мақсад, аввало, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, уларнинг судга оид ишларини тез ва қулай, ортиқча сарсонгарчиликсиз амалга ошириш, судлар фаолиятида очкилик ва шаффофликни таъминлаш, шу орқали одил судловга эришишдан иборат.

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### СУДЪЛАРНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



**Олимжон РЎЗИМУРДОВ,**  
Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси катта консультанти

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги қарор билан "2017-2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури" тасдиқланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [my.sud.uz](http://my.sud.uz) интерактив хизматлари порталида 14 та электрон хизматлар тури жорий қилинди. Жумладан, фуқаролар томонидан судга бормасдан электрон мурожаат юбориш, судга мурожаатлар намуналари (бланкалари), давлат божни калькулятори, суд қарорлар тўплами, электрон тўлов тизими, суд мажлислари жадвали, раҳбарият қабулига рўйхатдан ўтиш, судларнинг ҳал қилув қарорларига шарҳлар, иш ҳолатини онлайн кузатиб бориш, масофадан туриб суд мажлисида иштирок этиш, суд хабарномалари ва чақирувларини онлайн олиш, мурожаатларни "Telegram bot" орқали йўллаш, суд ҳужжатларига Апоcтиль қўйиш (эски суд қарорларга муҳр босиб бериш), суд қарорини онлайн олиш каби қулай имкониятлар яратилди. Шунингдек, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинаётганлиги сабабли маълумотлар қоғоз шаклидан электрон шаклга ўтди. Бугунги кунда судларнинг ахборот тизимлари 18 та давлат органлари ва ташкилотлар билан интеграция қилинган. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизими орқали масофадан туриб иштирок этиши эса уларнинг пул маблағлари тежаб қилинишини таъминламоқда.

Бундан ташқари, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ҳар сафар суд қарорлари керак бўлган пайтда ўша судга бормасдан, куннинг исталган вақтида ва дунёнинг исталган жойида ўзига тегишли бўлган суд қарорларини юклаб олиш имкони яратилди. Қолаверса, ижро ҳужжатлари ҳам Бош прокуратура хузуридаги мажбурий ижро органларига электрон шаклда юборилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури"ни олайлик. Айни дастур ижроси юзасидан 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тизими яратилди. 2021 йил 1 июндан бошга эса судларга келиб тушган ишлар судьялар ўртасида автоматик тарзда тенг ва адолатли тақсимланмоқда.

Шу билан бирга суд мажлисининг барча иштирокчиларини суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида "СМС" хабар орқали бепул хабардор қилиниши ҳам тарафларга қулайлик яратди. 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш тизими яратилди.

Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилиши ҳам фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига яратилган яна бир қулайликдир. Бу эса судга электрон мурожаат юборгандан кейин унинг ҳолати тўғрисида доимий ахборот олиш имконини бериди. Қолаверса, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига суд биносининг ўзида электрон тўлов тизимларидан фойдаланиб давлат божлари ҳамда суд харажатларини тўлаш, ўзларига тегишли бўлган суд мажлисларини билиш каби хизматлардан фойдаланиш имкони ҳам мавжуд.

Мухтасар қилиб айтганда, суд тизимини рақамлаштириш судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат идораларига, амалдаги қонунларимизга бўлган ишончини оширмоқда.

## МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ҳикматлари

- ✓ Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал Аллоҳнинг розилигини ўйла. Акс ҳолда қилган ишларининг ҳаммаси беҳуда бўлиб, зое кетади.
- ✓ Кимнинг ҳиммати-ю муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўларлар, ҳамдардлик билдирарлар.
- ✓ Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганида мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатасиз. Аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз.
- ✓ Ҳаёт вақтингда берган инъом-эхсонларингиз, гарчи уларни туки йўқ (қирчанғи) бўрига берган бўлсангиз-да, зое кетмас. Қиёмат кунинда буларнинг ажри сенга бўлур.

## Тест синовларидаги саволлар ўзгариши мумкин

Янги Конституция қабул қилинган, ОТМларга тест синовларида янги тахрирдаги Конституциядан ҳам саволлар тушиши мумкинми?

Мазкур савол юзасидан Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги мутасаддилари куйидагиларни маълум қилди.

Қайд этилишича, ҳуқуқшунослик фанларидан апробация ўтказилган. Унда ҳозирги кунда амалда бўлиб турган Конституция бўйича саволлар мавжуд. Умумтаълим фанларидан 3 марта апробация тест синовлари ўтказилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бугунга қадар бир марта апробация жараёнида ўтказилди. 30 апрелда ўтказилган Референдумда янги тахрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси тасдиқланган бўлса, жорий йилда ОТМларга бериладиган саволларга киритилади. Агар янги тахрирдаги Конституциядан саволлар киритилса, умумтаълим фанлари яна бир марта апробациядан ўтказилади.





Тарих ҳар бир халқнинг ўтмиши тўғрисида ҳикоя қилувчи улғу донишманддир. Тарихий хотира улғуворми, шарафлими ёки маҳзунми – уни ўзгартириб бўлмайди. Қадимий Самарқанд, Бухоро, Кеш, Шахрисабз ва Хива каби шаҳарларимизда аждодларимиз томонидан кўпгина архитектура дурдоналари барпо этилди. Мамлакатимизда ҳамон жаҳон аҳлини лол қолдирувчи минглаб тарихий обида ва қадимий ҳаёт тарихи бўлиб, улар халқимизнинг асрлар давомида сақланиб келаётган бой маънавий ва диний қадриятларини ҳамда яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳиятини ўзда мужассам этган.



# Аждодларамизнинг мангу оромгоҳи асраб-авайдайдак

**Илҳомжон ТУХТАСИНОВ, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор**

Бугунги кунда ота-боболаримиз томонидан бунёд этилган иншоотлар нафақат халқимиз томонидан, балки жаҳон халқлари томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Буни биз жаҳоннинг нуфузли ташкилотларидан бири ҳисобланган ЮНЕСКО рўйхатига Ўзбекистон ҳудудига жойлашган тўрт мингдан ортиқ тарихий обидаларнинг киритилишида яққол кўришимиз мумкин. Албатта, биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда абадий сақлашимиз.

Урта Осиё меъморчилигининг ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида эътироф этилган Амир Темур мақбарасининг қурилиши Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1403 йилда бошланган бўлиб, унинг набираси Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида тугалланган. Мақбара Самарқанд шаҳрининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, XIV аср охирида Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Султон томонидан қурилган мадраса ёнида тикланган. 1404 йили Амир Темур набираси Муҳаммад Султон ҳонақоси ва мақбарасини бирлаштириб турувчи айвоннинг жанубий қисмида Ғури Амир ёки Ғури Мир (халқ орасида Амир Темур мақбараси) мақбараси барпо этилди. Дастлаб бу ерга Амир Темурнинг пири, унинг кўлаб ҳарбий юришларида ҳамроҳлик қилган Ислам динининг

Амир Темур мақбараси архитектураси дастлабки мадраса – ҳонақо комплексидан умумий тасвирий қурилиши жиҳатидан фарқ қилади. Мадраса ҳонақодо мутаносиблик ва ноэқлибнинг ажойиб уйғунлиги намойиш этилган. Амир Темур вафотидан сўнг Мир Сайид Барақа қабри пастки қисмида мазорлар пайдо бўлади, у ерда Темурийлар авлодлари дафн этилган. Бу ердан мақбарага кириш мумкин, мақбара интеръерининг асоси ҳаворанг, деворлари эса нақш билан безатилган. Мақбаранинг жануб ва ғарб томонидаги ғиштдан ясалган пештоқли гумбаз қачон қурилганлиги номаълум. Айрим тадқиқотчилар уни XVI-XVII асрларга оид десалар, айримлари эса Улуғбек даврида қурилган деб таъкидлайдилар.

Мақбара тузилишига кўра, икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қавати ернинг остки қисмида жойлашган. У ерда қабрлар мавжуд. Бу ер ортқча безаклардан холи бўлиб, жуда оддий тарзда ишланган. Юқори қават жуда ҳашаматли қилиб безатилган. Унинг деворлари ва қосишларига мовий ва зарҳал безаклар орқали жило берилган. Марказий қисмида эса нақшли панжаранинг ўртасида тўқ яшил рангдаги ҳашаматли қилиб безатилган. Тарихий манбаларга кўра, қабрларнинг турган жойи Улуғбек даврида ўймақор нақшлар билан безатилган панжара билан ўралган. 1424 йили унинг бўйи билан мақбаранинг шарқ томонида тўрт куббали галерея қурилади. Айтиш жоизки, Амир Темур мақбарасидаги ёзувлар лингвист олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Сақланиб қолган қабртошдаги ёзувлар асосан Куръон оятлари ва эътиборга молик мазмундаги битиклар билан безатилган.

## СОҲИБҚИРОН ҚИЛИЧЧИ – АДОЛАТ ҚИЛИЧЧИ

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Эронда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг қиличи сақланиши ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Мустақилликка эришганимиздан кейин бу қилични юртимизга қайтариш тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлди. Лекин ҳануз натижа йўқ. Кўлаб юртошларимиз қатори қаминга ҳам ана шу ноёб қилични кўриш бахти nasib этган. Бунга 2002 йил октябр ойида Техронда ўтган «Ахборот агентликлари тинчлик учун» халқаро конференция сабаб бўлди. Эроннинг ИРНА ахборот агентлиги президенти Абдуллоҳ Носирий тақлифига биноан ушбу халқаро анжуманда иштирок этдим.

# ТЕМУРИЙ ИЖОДКОРЛАР

Темурийлар даври давлатчилик тарихимиздаги энг ёрқин саҳифалардан биридир. Бу давр дурлари, жаҳоирлари шунчалик кўп ва ҳайратланарли уммонки, хали биз уларнинг ўндан бирини ҳам тадқиқ эта олганимиз йўқ. Мазкур мавзуда сўз очилганда эса, бир-икки ижодкор ҳаёти ва фаолияти билан чегараланиб қолмоқдамиз, ҳолос.

**Тўлқин ҲАЙИТ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Дастлаб, шу юлдузли даврнинг дарғаси Соҳибқирон Амир Темурнинг бадиий адабиётга бўлган муносабатига назар солсак, бу борада ҳақли равишда биллур фикрни улғу амир Алишер Навоий ҳазратларининг машҳур «Мажолис ун-нафоис» таъкирларида учратамиз. Бу машҳур гапни олимлар, тарихчилар, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам ҳушудлик билан тақдор эдилар: *“Темур Қўрагон – аваччи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ ҳуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларки, аниқддек бир байт ўқугони мина байт айтқонча бор”*.

кетмаган, балки керакли пайтларда ижодкор аҳлининг бошини силаб, уларга ўзи ҳам ҳомилик қилган, бошқаларни ҳам бунга даъват этган. Амир Темур мулозимларига қарата шундай деган экан: *“Уз шоирини ишлаб юрган подшоҳнинг кўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини ишлаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинча шу сўзларим ёдингизда бўлсин”*. Ҳукмдорнинг ўзи бу сўзга амал қилганига гувоҳ бўламыз. Масалан, Камол Хўжандийни Тўхтамишхон тутқунлигидан озод этиб, унга етарлича ёрдам кўрсатган. Ҳукмдорнинг ўғли Мироншоҳ мизро эса шоирга ун минг кепакий маош тайинлаб, ҳурматини жойига қўйган. Яна бир воқеа: *Амир Темур Озарбайжондан ўтаётганда, шоир Маҳмуд Шабустарийнинг қишлоғидаги қабри устига мақбара тиклаттирган ҳамда қишлоқ аҳолисини рўйхатга олдириб, 15 ёшдан юқори ҳар бир кишига 5 мисқолдан олтин улашган. Бунга сабаб – Темурбек ёшчилида унинг “Гулшани роз” шеърлар тўпламидан завқ олган экан.*

Кейинги ўн йиллик тадқиқотларимиз натижа-сида ўша даврда 35 нафар ижодкор фаолият юритганини аниқлади. Ана шундай темурийлардан бири – Халил Султон (1384-1411) бўлиб, Амир Темур жа-нобийнинг вафотидан сўнг Турон тахтида беш йил эғалик қилган ва шу билан бирга ажайиб ғазаллар битган иқтидорли шоир ҳам бўлган. Хусусан, Султон Аҳмад Бағдодий бир қитъасига муносиб асар ёзиб, уни мот қилган ҳам шу амирзода эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижасида меъморий обидада таъмирлаш ишлари олиб борилди. Кўҳна Самарқанд шаҳрида жойлашган мажмуа тарихимизда катта из қолдирган буюк аждодларимиз мангу ором олган жой бўлиб, биз бугунги кунда унга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, асраб-авайлашни ўз бурчимиз, деб биламыз.

меъ масжиди тарихи ўзи чизган. Баҳол ва Панннат шаҳарларида қарвонсаройлар қурдирган. Лоҳурда жуда катта боғ, Қашмирда эса “Пари Маҳал”ни барпо этган. Шаҳиднобод деган мавзеда Али Мардонхон ариғини қаздириб, сув келтирган ва нақшкор ҳовуз қурдирган. Тарихдан маълумки, маърифатпарвар, бунёдкор олий-пеша бу малика “Рисолайи соҳибия”, яъни “Дўст-лик ҳақида рисола” китобининг муаллифидир.

**ADOLAT**  
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:  
«Адолат» СДП  
Спёсий  
Кенгаши

**Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ**

**Таҳрир хайъати:**

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖўРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Тальят МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Умиджон СУЛАЙМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Шухрат ЯКУБОВ

**Бўлимлар:**

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);  
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-14 (144);  
Қабулхона — 71 288-42-12 (132);  
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдугани Солиқов  
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 400

Адади – 6220  
Босишга топширилган вақти – 21.00  
Босишга топширилди – 21.10  
Баҳоис келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлмазар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун буюнни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.